

**БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.03/04.06. 2021.Fil.72.03 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**  

---

**УРГАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ЯКУБОВ МУЗАФФАР КАМИЛДЖАНОВИЧ**

**ИНГЛИЗЗАБОН АДАБИЁТДА АМИР ТЕМУР СИЙМОСИ**

**10.00.04 – Европа, Америка ва Австралия халқлари тили ва адабиёти**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси**  
**АВТОРЕФЕРАТИ**

УЎК: 821.111:355.093092Амир Темур(043.3)

Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати  
мундарижаси  
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по филологическим  
наукам  
The contents of the dissertation abstract for a Doctor of Philosophy (PhD) in Philological sciences

<b>Якубов Музаффар Камилджанович</b> Инглиззабон адабиётда Амир Темур сиймоси.....	3
<b>Якубов Музаффар Камилджанович</b> Образ Амира Тимура в англоязычной литературе .....	21
<b>Yakubov Muzaffar Kamiljanovich</b> The image of Amir Timur in English-language literature .....	39
<b>Эълон қилинган ишлар рўйхати</b> Список опубликованных работ List of publications.....	43

**БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.03/04.06. 2021.Fil.72.03 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**  

---

**УРГАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ЯКУБОВ МУЗАФФАР КАМИЛДЖАНОВИЧ**

**ИНГЛИЗЗАБОН АДАБИЁТДА АМИР ТЕМУР СИЙМОСИ**

**10.00.04 – Европа, Америка ва Австралия халқлари тили ва адабиёти**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси**  
**АВТОРЕФЕРАТИ**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.2.PhD/Fil827 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Урганч давлат университетиде бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([www.buxdu.uz](http://www.buxdu.uz)) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Ўразбоев Абдулла Дурдибоевич**  
филология фанлари доктори

**Расмий оппонентлар:**

**Муродов Ғайрат Некович**  
филология фанлари доктори, доцент

**Турсунов Акмалжон Ҳамиджонович**  
филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

**Етакчи ташкилот:**

**Нукус давлат педагогик институти**

Диссертация ҳимояси Бухоро давлат университети хузуридаги DSc.03/04.06.2021.Fil.72.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «15» октябр соат 10<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, М.Иқбол кўчаси, 11-уй. Тел.: +99865 221-29-14; факс: +99865 221-27-07, e-mail: [buxdu\\_rektor@buxdu.uz](mailto:buxdu_rektor@buxdu.uz).)

Диссертация билан Бухоро давлат университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (97 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, М.Иқбол кўчаси, 11-уй. Тел.: (0 365) 221-25-87).

Диссертация автореферати 2021 йил «02» сентябр куни тарқатилди.  
(2021 йил «02» сентябр даги 21-02 рақамли реестр баённомаси).



**Д.С. Ўраева**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, филология фанлари доктори, профессор

**З.И. Расулов**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, филология фанлари номзоди, доцент

**М.М. Жўраева**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, филология фанлари доктори, доцент

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон адабиётшунослигида инсоният тарихида буюклик кашф этган улуғ сиймолар шахси ва фаолиятига даҳлдор жиҳатларни илмий жиҳатдан ҳолис ва ҳаққоний ўрганишга талаб кучайиб бормоқда. Ижтимоий фанлар қатори, адабиётшунослик фани ҳам буюк сиймолар образининг бадиий адабиётдаги талқини каби янгича қарашларга асосланган вазифаларни белгилаб берди. Тарихшунослик ва адабиётшунослик кесишувида юзага келган темуршунослик соҳасини инглиззабон бадиий ва илмий адабиёт чегарасида тадқиқ этиш Амир Темур шахсига бағишланган асарларнинг юзага келиши ва тадрижи сингари мураккаб жараённинг диахрон занжирини тиклаш, шунингдек, темурномалардаги Соҳибқирон образини бадиий талқин қилиш, мазкур силсилага мансуб асарлар бадииятини, илмийлигини хронологик форматда идрок этиш имконини беради.

Дунё адабий жараёнлариаро Ғарб ва Шарқ темуршунослигида Амир Темур сиймосини бадиий акс эттиришга, саркарда образининг яратилиш тамойилларини қиёслашга, улардаги ютуқ ва камчиликларни тарихий ҳақиқатга нисбат берган ҳолда баҳолашга доир кенг кўламли тадқиқотлар олиб борилган. Бироқ хориж бадиий адабиётида яратилган даҳо салафларимиз сиймолари талқинини адабий-танқидий нуқтаи назардан таҳлил қилиш, инглиз адабиётининг етакчилик мавқеини ҳисобга олган ҳолда унинг бошқа адабиётлар вакиллари ижодига кўрсатган таъсирини аниқлаш Амир Темур образининг бадиий талқини билан унинг шахсияти ўртасидаги мутаносибликни асослаш билан бир қаторда инглиззабон адабиётларда яратилган Амир Темур ҳақидаги турли жанрлардаги асарларнинг муштаракликлари ва ўзига хосликларини очиб беришга хизмат қилади.

Мамлакатимизда кечаётган маънавий тикланиш жараёнида буюк аждодларимиз ҳақидаги бадиий ижод намуналарини аниқлаш ҳамда адабий, қиёсий-тарихий жиҳатдан чуқур тадқиқ этиш эҳтиёжи юзага келди. «Қадимий ва бетакрор диёримиздан етишиб чиққан буюк аллома, адиб ва мутафаккирларимизнинг юксак гуманистик ғояларга асосланган бой маънавий мероси умумбашарий цивилизация ва маданият, дунёвий ва диний илм-фан тараққиётига улкан ҳисса бўлиб қўшилгани дунё жамоатчилиги томонидан ҳақли равишда эътироф этилмоқда»<sup>1</sup>. Шу маънода жаҳон адабиётидаги, шу жумладан, инглиззабон адабиётдаги Амир Темур мавзусига оид асарларни, уларда акс этган ғояларни илмий таҳлил қилиш ёш авлодни халқимизнинг буюк маънавий меросига ҳурмат, юртимизга меҳр ва садоқат руҳида тарбиялашга кенг йўл очади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 13 сентябрдаги ПҚ-3271-сон «Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш

<sup>1</sup> Мирзиёев Ш.М. Буюк алломалар, адиб ва мутафаккирларимиз ижодий меросини кенг ўрганиш ва тарғиб қилиш мақсадида ёшлар ўртасида китобхонлик танловларини ташкил этиш тўғрисида. // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 2018 йил 4 август.

хамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги, 2017 йил 20 июндаги ПҚ-3074-сон «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистонга оид хориждаги маданий бойликларни тадқиқ этиш марказини ташкил этиш тўғрисида»ги Қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 18 майдаги 376-сон «Жаҳон адабиётининг энг сара намуналарини ўзбек тилига ҳамда ўзбек адабиёти дурдоналарини чет тилларига таржима қилиш ва нашр этиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ва мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Диссертация республика фан ва технологиялари ривожланишининг: I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Жаҳон адабиётшунослигида бадиий адабиётда хусусан Амир Темур образи талқини масаласи юзасидан бир қанча илмий тадқиқотлар амалга оширилган. Э.Бартельс, М.Барнет, С.Гринблат, Л.Хопкинз, Т.Пирс, С.Шеферд, У.Зундер, Р.Уилсон, Р.Сэйлс, Ч.Никол, П.Кохер, Т.Хейли каби адабиётшуносларнинг<sup>2</sup> ишларида Кристофер Марлонинг «Буюк Темур» драмасидаги Амир Темур образи ҳақидаги қарашлари ўз аксини топган. Бироқ бу тадқиқотларнинг аксариятида, одатдагидек, далил ва воқеалар кўпинча евроцентризм нуқтаи назаридан талқин қилинган.

Республикада қиёсий адабиётшунослик ва таржимашуносликнинг ривожланиши билан инглиз-ўзбек адабий алоқаларининг турли масалалари юртимиз филолог олимларининг докторлик ва номзодлик диссертацияларида ўрганилган, алоҳида илмий мақолалар чоп этилган. Шарқнинг Ғарб илм-фани ривожига таъсири, Ғарб адабий контекстида буюк сиймолар талқини каби масалалар Ф.Сулаймонова, Н.Комилов, Ш.Каримов, Ҳ.Кароматов, М.Холбеков, Н.Отажонов, Ҳ.Болтабоев, У.Муҳибова, У.Сотимов, Б.Эрматов,

---

<sup>2</sup> Bartels, Emily C. Spectacles of Strangeness: Imperialism, Alienation and Marlowe. – Philadelphia: U of Pennsylvania P, 1993. - 324 p; Burnett, Mark Thornton. Tamburlaine: An Elizabethan Vagabond // Studies in Philology, 1987. №94. – P. 34-47; Greenblatt, Stephen. Marlowe and the Will to Absolute Play. – Chicago: U of Chicago P, 1980. – 268 p; Hopkins, Lisa. Dead shepherd, now I find thy saw of might: «Tamburlaine» and the uses of Pastoral // Research Opportunities in Renaissance Drama. 1996. №35. – P.1-16; Pearce, T.M. Tamburlaine's «Discipline to his Three Sonnes»: An Interpretation of «Tamburlaine», Part II // Modern Language Quarterly. 1954. №15. - P.18-27; Shepherd, Simon. Marlowe and the Politics of Elizabethan Theatre. – Brighton: 1986. – 187 p; Zunder, William. Elizabethan Marlowe. – Hull:Unity P, 1994. – 146 p; Wilson, Richard. Visible Bullets: Tamburlaine the Great and Ivan the Terrible // English Literary History. 1995. №62. – P.34-47; Sales, Roger. Christopher Marlowe. – Basingstoke: 1991. – 241 p; Nicholl, Charles. The Reckoning: The Murder of Christopher Marlowe. – London: Jonathan Cape, 1992. – 126 p; Kocher, Paul H. Marlowe's Art of War // Studies in Philology. 1942. № 39. – P. 24-37; Healy, Thomas. Christopher Marlowe. – Plymouth: Northcote House, 1994. – 251 p.

Ф.Жўрақулов, О.Дадабоев, А.Турсуновлар томонидан амалга оширилган тадқиқотларда ўз аксини топган<sup>3</sup>.

Жумладан, Ҳ.Кароматовнинг номзодлик диссертациясида бизнинг тадқиқотга яқин мавзу қисман кўриб чиқилган<sup>4</sup>. Адабиётшунос Б.Эрматовнинг докторлик диссертациясида инглиз адабиётига оид ўринларида Амир Темур сиймоси юзасидан бизнинг мавзумизга доир баъзи маълумотлар келтирилган ва бизнинг Республика миқёсда чоп қилинган<sup>5</sup> мақоламиздан фойдаланилган. О.Дадабоевнинг «Ғарб ва шарқ адабий контекстида Амир Темур шахси талқини» деб номланган тадқиқот ишида инглиз ҳамда ўзбек адабиётини қиёслаш орқали Амир Темур образининг ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар натижасида афсонавийликдан реаликка томон эволюцияси илмий жиҳатдан асосланган. А.Турсуновнинг «Немисзабон адабиётларда шарқнинг буюк сиймолари талқини» филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертациясида Ибн Сино, Абу Райҳон Беруний, Амир Темур ва Бобур Мирзо ҳақида ёзилган немис тилидаги асарлардаги бадиий талқини ва тарихий ҳақиқат масаласи холисона ёритилган.

Республикамиз таниқли адибларининг айрим илмий ва бадиий асарларида Ғарб адабиётида Амир Темур сиймоси яратилган асарлар қисман таҳлил қилинган. Бунга Муҳаммад Али, Примқул Қодиров, Ҳаким Сатторий ва бошқаларнинг асарларини келтириш лозим<sup>6</sup>. Бироқ бизнинг тадқиқотда кўтарилган мавзу шу пайтгача махсус илмий тадқиқотнинг объекти бўлган эмас. Шу маънода ушбу диссертация иши мавжуд тадқиқотлардан тубдан фарқ қилади.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация Урганч давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ 2017-2021 йилларга мўлжалланган «Инглиззабон адабиёт тараққиётида адабий алоқалар ва ўзаро таъсир муаммолари» номли йўналиш доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** Амир Темур образининг инглиззабон адабиётга кириб бориш тадрижини кузатиб, адабиётда бадиий шакллантирилган Амир

<sup>3</sup> Сулаймонова Ф. Шарқ ва Ғарб. – Тошкент: Ўзбекистон, 1997, Комилов Н. Тафаккур қарвонлари, – Тошкент: Маънавият, 1999, Каримов Ш. Немис адабиёти тарихи. – Тошкент: 2010, Караматов Х. Истоки, оригинал и узбекский перевод трагедии Кристофера Марло “Тамерлан Великий». дисс...кан.фил.наук. – Ташкент: 1990, Холбеков М. Узбекско-французские литературные взаимосвязи (в аспекте перевода, критки и восприятия). дисс... канд. филол. наук. – Ташкент: 1991, Болтабоев Ҳ. Хорижда Бобуршунослик. – Тошкент: 2008. Мумтоз сўз қадри. – Тошкент: Адолат. 2004, Жўрақулов Ф. Абу Райҳон Берунийнинг табиий-илмий ва ижтимоий-фалсафий меросининг ғарб олимлари томонидан тадиқ этилиши. Фал.фан.ном. дисс... . – Тошкент. 2007, Эрматов Б.С. АмирТемур Ғарбий Европа адиблари нигоҳида. – Тошкент: 2017, Дадабоев О. Ғарб ва Шарқ адабий контекстида Амир Темур шахси талқини. Фал.фан.док. (PhD) дисс... – Тошкент. 2019, Турсунов А. Немисзабон адабиётларда шарқнинг буюк сиймолари талқини. Фал.фан.док. (PhD) дисс... – Тошкент. 2019.

<sup>4</sup> Кароматов Х. Истоки, оригинал и узбекский перевод трагедии Кристофера Марло “Тамерлан Великий» Дисс. канд. фил.наук. –Т.,1990.

<sup>5</sup> Якубов М. XIX аср инглиз шеърлятида Амир Темур сиймоси. Хорijiy filologiya. Samarkand, 2012.№ 4(45). - В.68-71.

<sup>6</sup> Али М. Амир Темур чамани. – Тошкент: Ўзбекистон НМИУ, 2006; Қодиров П. Амир Темур сиймоси. – Тошкент:Ўзбекистон НМИУ, 2007; Сатторий Ҳ, Олтин силсила. – Тошкент: Шарқ НМАК, 2006.

Темур образини илмий-адабий-танқидий нуқтаи назардан ўрганиш, бу борадаги ютуқ ва камчиликларни умумлаштириш ҳамда тарихий-адабий, илмий-оммабоп ва бадиий асарларни тадқиқ этиш орқали Амир Темур образини очиқ беришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

инглиззабон адабиётда Амир Темур образи яратилишининг ибтидоси, тадрижи ва ривожини тадқиқ қилиш;

инглиззабон адабиётда Амир Темур образи талқинини ўрганиш;

инглиззабон темурномалар ҳақидаги Англия ва Америка илмий жамоатчилиги билдирган фикрларни танқидий таҳлил қилиш;

Уйғониш даври драматургиясида Амир Темур ва гуманизм ғоялари моҳиятига муносабат билдириш;

инглиз адабиётининг етакчилик мавқеини ҳисобга олган ҳолда, унинг бошқа адабиётлар вакиллари ижодига кўрсатган таъсирини аниқлаш;

Амир Темур образининг бадиий талқини билан унинг шахсияти ўртасидаги муносабатни асослаш;

кичик жанрдаги шеърӣ асарларда Амир Темур мавзусини ёритиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида XVI–XXI асрларда инглиззабон адибларнинг Амир Темурга бағишланган насрий ва назмӣ асарларининг аслиятлари танлаб олинган.

**Тадқиқотнинг предмети**ни инглиззабон адабиётда Амир Темур сиймоси талқини ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертацияда адабий-танқидий, статистик, хронологик, тарихий-қиёсий таҳлил методлари ва тизимли ёндашув тамойилидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги:**

Уйғониш даври Англия маданий муҳитида оммалаша бошлаган гуманизм ғоялари ташвиқотини сиёсий арбоб, саркарда ва бунёдкор тарихий шахс сифатида намуна бўла оладиган Амир Темур сиймосида амалга ошириш вазифаси антик адабиётнинг афсонавий қаҳрамонларига анъанавий шаклда қайта-қайта мурожаат этаверишнинг муваффақиятсизлиги, самарасизлиги билан шартланганлиги исботланган;

инглиззабон бадиий адабиётда Амир Темур образи (бадииятда) ва Амир Темур сиймоси (реал тарихда) ўртасидаги номувофиқликлар бадиий адабиёт қонуниятларига кўра муаллиф дунёқараши, кизиқиши, тафаккур тарзи ва ижодкорларнинг Амир Темур шахсияти тўғрисида асл ва бор ҳақиқатдан беҳабарлиги, давр ёки ҳудуд ҳаёти ҳақида тўлақонли тасаввурга эга бўлмаганликлари туфайли воқеланиши далилланган;

Ғарб темуршунослигида инглиззабон бадиий ва илмий адабиётга мансуб асарларни таснифлашда бадиий, илмий, тарихий-бадиий характери, яратилган ҳудуди, жараёни тўла тасаввур қилиш қулайлиги нуқтаи назаридан хронологик таҳлил усуллариининг устуворлиги Амир Темур шахсига бағишланган асарларнинг юзага келиши ва тадрижи узок, мураккаб жараёни қамраб олганлиги билан белгиланиши аниқланган;



инглиззабон бадиий адабиёт кичик жанрдаги шеърӣ асарларда тарихий ҳақиқатдан кўра соф бадиий тўқима услубининг етакчилиги, инглиззабон шеърӣятида Амир Темурнинг сарҳадбилмас имкониятлари тимсоли хаёлий орзулар билан суғорилганлиги Амир Темур мавзуси ибтидосининг романтизм даврига тўғри келганлиги билан белгиланиши асосланган.

#### **Тадқиқотнинг амалий натижалари:**

инглиззабон адабиётларида яратилган Амир Темур ҳақидаги турли жанрлардаги асарларнинг муштаракликлари ва ўзига хосликлари очиб берилган, Соҳибқирон XVI аср инглиз гуманистик адабиёти эҳтиёжларига кўра, Уйғониш даври кишиларнинг орзу умидлари тимсоли сифатида тасвирлангани аниқланган;

мазкур тадқиқот аждодларимиз даҳосига ҳурмат-эҳтиром ҳиссини шакллантириш, шу асосда юртдошларимиз, аввало, ёш авлодимизни халқимизнинг буюк маънавий меросига ҳурмат, юртимизга меҳр ва садоқат руҳида тарбиялашга қаратилган ишларнинг самарадорлигини оширишга хизмат қилган;

америкалик ва инглиз адиблар ижодида Амир Темур образининг жасорати, диёнати, қатъиятлиги, одиллиги, ўз халқига оталарча ғамғўрлиги, эътиқодли ҳукмдор сифатида ижобий талқин этилганлиги далилланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** муаммонинг аниқ кўйилганлиги, чиқарилган хулосаларнинг адабий-танқидий, статистик, хронологик, тарихий-қиёсий таҳлил методлари ва тизимли ёндашув тамойили каби усуллар билан асосланганлиги, назарий ғоялар ва маълумотлар расмий манбалардан олинганлиги, берилган илмий-назарий тақлиф ва тавсиялар амалда синовдан ўтказилганлиги ҳамда натижалар ваколатли давлат органлари томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти, Амир Темур ва бадиий адабиёт мавзусига оид илмий тадқиқотларда, жаҳон темурномалари библиографиясини яратишда, адабиётшунослик, хусусан, унинг узвий қисми бўлган қиёсий адабиётшуносликка, адабий темуршуносликка ва шулар баробарида катта темуршунослик тараққиётига муайян ҳисса бўлиб қўшилиши ҳамда адабий алоқалар тарихидаги айрим бўшлиқларни тўлдиришга хизмат қилиши билан белгиланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти ундаги кўплаб хулоса ва материаллардан тили ўрганилаётган мамлакатлар адабиёти, жаҳон адабиёти, адабиёт тарихи ва адабиёт назарияси каби фанлардан яратиладиган дарслик, ўқув қўлланма, маърузалар матнини янги материаллар билан бойитишга ҳамда ушбу йўналишда амалга ошириладиган кейинги тадқиқотлар учун асос манба бўлиб хизмат қилиши мумкинлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Инглиззабон адабиётларда Амир Темур сиймоси билан боғлиқ изланишлар жараёнида олинган илмий натижалар асосида:

Амир Темур ҳақида инглиззабон адабиётларда яратилган асарлар, хусусан, Америка адабиётининг йирик вакили Роберт Ховарднинг

«Самарқанд хукмдори» асарида Соҳибқироннинг буюк салтанатни барпо этишдаги саъй-харакатлари, юксак харбий заковати, яратувчилик истеъдодига оид хулосалардан Хоразм вилояти телерадиокомпаниясининг «Мунаввар кун» дастури сценарийсини тайёрлашда фойдаланилган (Хоразм вилояти телерадиокомпаниясининг 2020 йил 17 февралдаги 166-сон маълумотномаси). Натижада тадқиқот объекти қилиб олинган манбалар тингловчиларга Соҳибқирон сиймосининг инглиззабон ўлкалардаги эътирофи хусусида маълумотлар берган ҳамда кўрсатувнинг илмий-маънавий савияси ошишига хизмат қилган;

хар бир ижодкорнинг қизиқиши, асарларида унинг шахсияти талқини, инглиззабон адабиётда Амир Темур сиймосини гавдалантирган адибларнинг таржимаи ҳоллари билан боғлиқ хулосалардан Республикага ташриф буюрган инглиззабон сайёҳларга халқларимиз ўртасидаги маданий-маърифий алоқалар тарихий илдизларини кўрсатишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Туризмни Ривожлантириш Давлат Қўмитасининг 2020 йил 2 мартдаги 02-16/1531-сон маълумотномаси). Натижада нафақат хорижий сайёҳлар оқимини кўпайишига, балки тадқиқот материалларидан кенг фойдаланилган ҳолда буюк сиймоларимизнинг инглиззабон адабиётлардаги талқинлари ҳақида янги ва қизиқарли маълумотлар беришда сайёҳларга ва ташриф буюрганларга асосий манба вазифасини бажарган;

инглиззабон адабиётларда Амир Темур сиймосининг талқин этилиши ва улардаги ўзига хослик ва муштарақликлар, Соҳибқирон образини яратишда Кристофер Марло ва Николас Роуларнинг бадиий маҳорати, фалсафий-ахлоқий, ижтимоий-сиёсий қарашлари ва ижодий индивидуаллиги хусусида олинган хулосалардан музейларга ташриф буюрган ёшларда номоддий меросга ворислик ҳиссини кучайтириш, миллий қаҳрамонларимиз сиймоси жаҳон илғор афкор оммаси эътиборида эканини ёшлар шуурига синдириш, даҳо сиймоларнинг дунё ижтимоий-сиёсий фикрлар тараққиётига қўшган ҳиссасини кўрсатиб беришда фойдаланилган (Халқаро «Олтин мерос» ХЖФ 01-55-22/10-20-сон маълумотномаси). Натижада инглиз тили ва адабиётига ихлосманд ёшларнинг миллий тарихимиз, аждодлар жасорати, шаън-шавкатига бўлган қизиқиши ва эътибори кучайишига ҳисса қўшган;

Кристофор Марлонинг икки қисм ўн кўринишдан иборат «Tamburlaine the Great» – «Буюк Темур» трагедиясида Соҳибқирон, XVI аср инглиз гуманистик адабиёти эҳтиёжларига кўра, Ренессанс – Уйғониш давр кишларнинг орзу умидлари тимсоли сифатидаги тасвирига доир хулосалардан И-204-4-5 «Инглиз тили мутахассислик предметларидан ахборот-коммуникацион технологиялари асосида виртуал ресурслар яратиш ва ўқув жараёнига жорий этиш» мавзусидаги инновацион лойиҳада фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил 26 январдаги 89-03-446-сон маълумотномаси). Натижада жорий этилган материаллар буюк сиймоларнинг бадиий матнда акс эттирилиши, уларни таҳлил этиш ҳамда чуқур ўрганиш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларида қилинган маърузаларда жамоатчилик муҳокамасидан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича жами 23 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертацияларининг асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 15 та мақола, шундан 10 таси республика ва 5 таси нуфузли хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, умумий ҳажми 153 саҳифани ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги асосланган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг мақсади ҳамда вазифалари белгиланган, тадқиқот объекти ва предмети далилланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги баён қилинган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари тавсифланган, тадқиқот усуллари белгиланган ҳамда эълон қилинган ишлар ва диссертация таркиби ҳақида маълумот берилган.

Диссертациянинг «**Инглизбабон насрий адабиётда Амир Темур тимсоли**» деб номланган биринчи бобнинг илк фаслида инглизбабон бадиий ва илмий адабиётда Амир Темур шахсига бағишланган асарларнинг юзага келиши ва тадрижи таҳлил қилинган. Бу узоқ ва мураккаб жараёни қамраб олади, шу сабаб мазкур жараёни нисбатан тўла тасаввур қилиш қулайлиги нуқтаи назаридан хронологик жиҳатдан таҳлил қилиш маъқул, деган хулосага келдик.

Жумладан, инглизбабон бадиий адабиётда Амир Темур сиймосининг ёритилиши ҳақида сўз кетганида, биринчи навбатда Кристофер Марло (1587 – 1588)нинг «Буюк Темур» трагедиясини қайд этиш жоиз. Трагедияда Амир Темур енгилмас, иродали сардор, улуғворлик хусусиятидан фориғ бўлмаган, кўркем, ақлли, чин севгига мойил, содиқ дўст сифатлари ила тасвирланган. Амир Темур сиймосини Марло Уйғониш даври афсонавий одамани кўрсатиб, ўз давридаги Европа анъаналарига мувофиқ тарзда иш тутди, яъни Соҳибқирон бетимсол башардўст – гуманист сифатида гавдалантирган.

Кейинги асар, Маями университети кутубхонаси берган маълумотига биноан, Самуэл Кларк (1599 – 1682)нинг «Буюк Темурнинг хаёти» («The life of Tamerlane the Great»)<sup>7</sup> 1653 йилда Лондонда «Илк инглиз тилидаги китоблар 1641-1700» сериясида нашр этилган. Китоб Амир Темурнинг Хитой подшоси мосолик Диюк, Буюк турк Боязид, Миср султони, Эрон шаҳаншоҳи ва бошқалар билан олиб борган жанглари таърифларига бағишланган. Унда

<sup>7</sup> Clarke S. The life of Tamerlane the Great. – London Printed by T.R. and E.M. for Tho. Underhill., 1653. – P. 61. (Early English books, 1641–1700)

биринчи навбатда давлат бошлиқлари эга бўлиши лозим бўлган мулоҳазакорлик, олийҳимматлик, меҳрибонлик, адолат, итоаткорлик, шижоат ва шавкат сингари инсоний фазилатлар ҳақида сўз боради<sup>8</sup>. Европада Амир Темур сиймоси бадиий тарғиботига бағишлаб Марлодан кейин яратган ижодкор авлод орасида энг юксак мавқени XVIII аср драматурги Николас Роу (1674-1718) эгаллайди. Унинг бадиий қиймати ва оммавийлиги даражасига кўра ўз даврида Шекспир трагедиялари билан беллашишга қодир бўлган «Буюк Темур» (Tamerlane, 1702) трагедияси ўз муаллифига ана шундай шарафни ато этган асардир. Эпиграфда мазкур трагедия «To the Right Honourable William, Lord Marquiss of Hartington» – «Харрингтон маркизи Вильям жаноби олийларига бағишлаб ёзилгани қайд этилган. «Бағишлов»дан Н.Роунинг асарни ёзишдан кўзда тутган мақсад-муддаоси лўнда тарзда намоён бўлиб, унда муаллиф баъзилар Темурбек шахсиятида ўша замоннинг энг буюк қахрамони сифатида эслатиб ўтганини қайд этади.

Навбатдаги асар, тарихий асар бўлиб, инглиз тарихчиси Эдвард Гиббоннинг «The History of the Decline and Fall of the Roman Empire,» Vol. VII Gibbon Edward» (1787) – «Рим империясининг якуни ва қулаш тарихи»да бутун бир боб (Chapter LXV: Elevation Of Timour Or Tamerlane, And His Death) Амир Темурга бағишланган. Муаллиф Амир Темурнинг ўттиз беш йиллик зафарли юришлари ҳақида батафсил тўхталмасдан, балки унинг Форс ва Ҳиндистонга бўлган юришлари ҳақида қисқа сўз юритиб, асосий эътиборини янада қизиқлироқ хикояга, усмонли туркларга қарши бўлган жангга қаратмоқчи эканлигини ўқувчига маълум этади<sup>9</sup>.

Мазкур бобнинг иккинчи фаслида тарихий асарларда Амир Темур шахси ва фаолияти талқини таҳлил этилган. Амир Темур сиймосининг инглиззабон адабиётида талқин этилиши ҳақида батафсил илмий аснода ўрганишдан олдин, дастлаб Соҳибкирон тимсолини, баъзи бир, бизнинг фикримизча, эътиборга лойиқ тарихий асарларда яратила бошлаш жараёнини таҳлил этиб ўтишни тақозо этади. Бу саволга жўяли бир жавоб бериш учун тарихий адабиётга – Эдвард Гиббоннинг 1787 йили ёзилган «Рим империясининг якуни ва қулаш тарихи» («The History of the Decline and Fall of the Roman Empire», Vol. VII), 1928 йил Гаролд Лэмбнинг «Амир Темур хукмдор ва саркарда» («Tamerlane, the earth shaker»), Дэвид Николнинг 1990 йили нашрдан чиққан «Темур даври» («The Age of Tamerlane»), Беатрис Форбес Манснинг «Кембриж стадияс ин Исламик сивилизейшн» сериясида 1999 йилда «Кембриж Университи Пресс» нашриёти томонидан босиб чиқарилган «Темурнинг тахтга ўтириши ва хукмронлиги» («The rise and rule of Tamerlane») асари, 2006 йил Де Капо нашриёти томонидан босиб чиқарилган Жастин Мароциннинг «Темур: ислом шамшири, дунё забткори» («Tamerlane: Sword of Islam, Conqueror of the World») тарихий асарларга мурожаат этишни лозим топдик.

<sup>8</sup> Али М. Амир Темур чамани. – Тошкент: Ўзбекистон НМИУ, 2006. – Б.182 – 183.

<sup>9</sup> E. Gibbon, The History of the Decline and Fall of the Roman Empire, Vol. VII, ed. by J.B. Bury, Methuen, London, 1914.

Темур ва Темурийлар даврига оид ушбу тарихий асарларга мурожаат этиб, бу манбаларнинг услубий хусусиятларини инобатга олиб иш кўришга тўғри келади. Зеро, улардан муайян даражада бадиийликнинг ибтидоий унсурлари мавжудлигини унутмаслик керак.

Иерусалим Университети тадқиқотчиси Майкл Б.Штереншис, Эдвард Гибон Темурни энг буюк тарихий шахслардан бири сифатида тасвирлагани ва Темурга нисбатан ҳеч қандай романтик муносабат билдирмасдан, балки мўътадил вазиятни танлаган биринчи тарихчи сифатида баҳоламоғимиз лозим, деган фикрни илгари суради: «We may count Edward Gibbon as the first historian who approached Timur without romantic attitude. Being neutral, he described Timur as just one more prominent historical personality»<sup>10</sup>.

Турли манбаларда айтишларича, Темур кўшинига мардона қаршилик кўрсатган душманлар ҳам ҳурмат қилинган. Жумладан, Халаб учун жангда бир суриялик жангчи шу қадар жасорат намунасини кўрсатганки, унга қилич ила ўттизга яқин зарба тушириб, бошдан оёқ кўплаб жароҳат етказганларидан сўнггина шамширини қўлдан ташлаган. Мовароуннаҳрликлар бу суриялик жангчини ўликлар ва жароҳатланган орасидан қидириб топадилар ва Темур қошига олиб келадилар. Араб солномачи Ибн Таҳри Бирди гувоҳлик беришича, Темур унинг жасоратига ва матонатига тан бериб, тиббий ёрдам кўрсатишни амр қилади<sup>11</sup>.

Мазкур бобнинг учинчи фаслида Роберт Ховарднинг «Самарқанд хукмдори» асарида Соҳибқирон сиймоси таҳлил қилинади. Роберт Ирвин Ховард фантаст жанрида ижод қилган америка ёзувчиси. Шарқ хикоялари рукнида бир неча асарлар орасида Ховарднинг 9 бобдан иборат «Lord of Samarcand» (Oriental Stories, Spring 1932)<sup>12</sup> – «Самарқанд хукмдори» деб номланган асари пайдо бўлади. Асар Амир Темур даври, уша давр эгаллаган мавқеи, Соҳибқирон забт этган худудларда шаҳар ва қишлоқларнинг чиройли қад ростлаб туриши, айниқса, салтанат пойтахти Самарқанд муаллиф қаламида фахр ила намоиш этилган, салтанатда ва саройда ўрнатилган тартиб интизомлар ва қонун қоидалар, шарқ анъаналарини сақлаган ҳолда чиройли тасвирланган. Шунингдек, Турк султони Боязидга қарши бўлган жанг ва Хитойга режалаштираётган юриш тафсилотлари ҳам баён этилган.

Диссертациянинг иккинчи боби «**Инглиз драматургиясида Амир Темур сиймоси**» деб номланган. Бобнинг биринчи фаслида уйғониш даври драматургиясида Амир Темур ва гуманизм ғоялари ҳақида гап боради. Кристофор Марлонинг «Буюк Темур» трагедиясида Соҳибқирон, XVI аср инглиз гуманистик адабиёти эҳтиёжларига кўра, Ренессанс – Уйғониш даври кишиларнинг орзу умидлари тимсоли сифатида тасвирланган.

Марлонинг Соҳибқирон сиймосига мурожаат этиши Ғарбий Европа маданияти ва бадиий-фалсафий аҳамиятини англаб етиш учун ҳал қилувчи поғона вазифасини бажарди.

<sup>10</sup> Dr. Michael V. Shterenshis. Approach to Tamerlane: Tradition and Innovation. Ending 600 Years of Historiography of Timur. <http://www.ca-c.org>

<sup>11</sup> David.N. The Age of Tamerlane (Osprey Men-at-Arms 222). Publisher: Osprey Publishing. 1990. P.11.

<sup>12</sup> [http://en.wikisource.org/wiki/Author:Robert\\_Ervin\\_Howard](http://en.wikisource.org/wiki/Author:Robert_Ervin_Howard)

Амир Темур ҳақидаги афсона Марлонинг «Буюк Темур» пьесасида Уйғониш даврининг ёрқин тасвири сифатида ўз аксини топган. Шунинг ҳам унутмаслик керакки, «Буюк Темур» битта асар эмас. Икки қисм ва ўн актдан иборат бу драмада инглиз шоирининг кечинмалари ва Амир Темур афсонаси яхлит тарзда берилган.

Трагедияда Соҳибқирон тавсифи, мағлуб этилган Хусрав нутқида ажойиб тарзда жаранглайди:

The face and personage of a wondrous man:  
Nature doth strive with Fortune and his stars  
To make him famous in accomplish'd worth;  
And well his merits shew him to be made  
His fortune's master and the king of men,  
That could persuade, at such a sudden pinch,  
With reasons of his valour and his life,  
A thousand sworn and overmatching foes.  
Then, when our powers in points of swords are join'd<sup>13</sup>,  
Темур баҳодирнинг бутун қиёфасини,  
Бундай тугал қаҳрамонни яратмоқ учун,  
Тақдир билан табиат иттифоқ тузган.  
У ёлғиз ўз ҳаётини бошқариб қолмай,  
Ҳал қилади ўзгаларнинг қисматини ҳам,  
Шу сабабдан унинг кучли муҳолифлари  
Эшитганда ғолибона зафарларни,  
Тасаннолар айтишади, ҳайратга тушиб<sup>14</sup>.

Моҳирона тузилган нутқида Темур ўзининг буюк ва фазовий мавқега эга эканлигини айтади: ўз отасини само тахтидан ағдарган, Юпитер, табиат ва руҳият қонунлари асосий сабаблар қилиб кўрсатилади:

Мазкур бобнинг иккинчи фасли «Маърифатпарварлик драматургиясида Соҳибқирон образи» деб номланган. Европада Амир Темур сиймоси бадиий тарғиботига бағишлаб Марлодан кейин яратган ижодкор авлод орасида энг юксак мавқени XVIII аср драматурги Николас Роу (1674-1718) эгаллайди. Унинг бадиий қиймати ва оммавийлиги даражасига кўра ўз даврида Шекспир трагедиялари билан беллашишга қодир бўлган «Буюк Темур» (Tamerlane, 1702) трагедияси ўз муаллифига ана шундай шарафни ато этган асардир.

Роунинг Темури, муаллиф бағишловида Хартингтоннинг Маркизига атаб ёзилган хати, ҳеч иккиланмасдан сиёсий аллегория (киноя) тарзида қабул қилинди. Трагедиядаги воқеа-ҳодисалар ва ҳукмдорларнинг хулқ-атворлари, улар асарда асосий ўринда, шу даражада очиқ-ойдинки, ҳозир ҳам изоҳ беришга ҳожати йўқ. 1701 йили бўлган Темурбек-Вилиямнинг манман ва хоин Боязид-Луис устидан қозонган ғалабаси, бу асар ёзилган сана, рўёбга чиқмаган орзу, бироқ Мальборода (Англиянинг Уилтшир графлигидаги шаҳар

<sup>13</sup> Christopher Marlowe. Two Tragedies. Moscow. 1980. Part I ACT II Scene I. P.17. Кейинги мисоллар ушбу манбадан келтирилади.

<sup>14</sup> Маъруф Жалил таржимаси // Сирли олам. 1998 август.

М.Я.) уч йил сўнгра бу башарот ўзини оқлайди. Бу каби яқун, драмага юз йилдан зиёд умр кўриш ҳуқуқини берди.

Н. Роу бу буюк инсоннинг ҳаёти, жаноби олийлари ҳаётдан фарқ қилмаслигини: унинг жасорати, унинг диёнати, унинг қаттиятлилиги, унинг одиллиги ва унинг ўз халқига оталарча ғамхўрлиги, ҳаммасидан ҳам, унинг золимлик ва зулмдан нафратланиши ва инсониятнинг осойишталиги ҳақида астойдил кайғуриши, жуда яқин ўхшашлик беради олий жанобларига: уларнинг тақдиридаги бир қанча воқеалар айна; ул ҳазратларига ҳеч нарса керак эмас, фақат ишончли ғалаба, худди Темурбек дунёга тинчлик бергандек.

«There are many Features, 'tis true, in that Great Man's Life, not unlike His Majesty: His Courage, his Piety, his Moderation, his Justice, and his Fatherly Love of his People, but above all, his Hate of Tyranny and Oppression, and his zealous Care for the Common Good of Mankind, carry a large Resemblance of Him: Several Incidents are alike in their Stories; and there wants nothing to his Majesty but such a deciding Victory, as that by which *Tamerlane* gave Peace to the World».

Драма бошида Боязидга қарши бўлажак жанг тараддудида бўлган Темурбек кўмандонлари, Зама ва Мирван суҳбатида Соҳибқирон осойишталик ва тинчликни ўрнатувчи, барча урушларга барҳам берувчи, зулм, қуллик ва азоб-уқубатларга чек қўювчи ҳукмдор сифатида тасвир этилади:

**Zam.**

Our Asian World

From this important Day expects a Lord,  
This Day they hope an End of all their Woes,  
Of Tyranny, of Bondage, and Oppression,

From our Victorious Emp'ror, Tamerlane. (ACT I. SCENE I.)

Мирван ҳам Амир Темурни адолат пешвоси Яратганнинг назари тушган зафарли жангчи эканлигини айтади:

**Mir.**

Well has our holy *Alha* mark'd him out  
The Scourge of lawless Pride, and dire Ambition,  
The great Avenger of the groaning World.

Well has he worn the Sacred Cause of Justice

Upon his prosp'rous Sword; approving Heav'n  
Still crown'd the righteous Warrior with Success;

As if it said, Go forth, and be my Champion,

Thou most like me of all my Works below. (ACT I. SCENE I.)

Юқорида айтганимиздек, Николас Роу мазкур драмасини ўша давр қиролларга намуна тарзида хизмат қилишини назарда тутиб битган, яъни Амир Темур тимсолида адолатли, бағрикенг ва мурруватли, умуман, барча яхши фазилатларга эга бўлган ҳукмдорни кўрсатишга ҳаракат қилган, турк султони Боязид тимсолида эса Соҳибқирон сиймосига тамоман тескари қаҳри қаттиқ, халқига зулм ўтказган, аёвсиз ва эзгуликни менсимайдиган қирол

сифатида намоён этган ва кўрганингиздек, бу ишни аъло даражада уддасидан чикқан.

Диссертациянинг «**Инглиззабон шеъриятда Амир Темур сиймоси**» деб номланган учинчи бобида Чарльз Лэмбнинг «Малика Ариананинг орзуси» (Queen Oriana's dream), Виктор Жеймс Дейлининг «Шахзода Темур» (Tamerlane), Эдгар Аллан Понинг «Буюк Темур» (Tamerlane) шеърий асарлари таҳлил этилган.

Шоир, адабий танқидчи, публицист ва эссе жанрининг инглиз адабиёти тарихидаги энг йирик вакили саналган Чарльз Лэмбнинг (1775-1834) «Малика Ариананинг орзуси» (1818) деб номланган шеъри<sup>15</sup> – Амир Темурнинг рафиқаси ҳақидаги шеър ҳисобланади.

Инглиззабон шеъриятда барча шоирлардан олдин юқоридаги шеърни битган Чарльз Лэмб ўзидан кейин Амир Темур мавзусининг Ғарб шеъриятида кенг тарқалишига йўл очиб берди. Натижада Виктор Жеймс Дейли, Эдгар Аллан По каби шоирлар Соҳибқирон ҳақида кенг кўламли асарлар яратдилар.

Муаллиф унда Соҳибқиронни «Бутунжаҳон ҳукмдори қудратли Темур» (mighty Tamerlane, That was lord of all the land Between Thrace and Samarchand), деб сифатлар экан, унинг рафиқасига Ғарб муҳитига мос, бироқ тарихий ҳақиқатга зид ном қўйиб, уни «Қиролича Ариана»га айлантиради:

«Oriana who was queen  
To the mighty Tamerlane» –

«Ариана қудратли Темурнинг рафиқаси эди».

Чарльз Лэмбнинг таҳлил қилинаётган шеъри шоир ҳаёлотининг маҳсули бўлиб, тарихий ҳақиқатдан мутлақо йироқдир. Унда фақат бизга таниш икки ном – Амир Темур ва Самарқанд учрайди, холос.

Дейли асарлари орасидан соҳибқирон Амир Темурга бағишланган «Шахзода Темур» (аслиятда: Tamerlane, 1905) номли бу шеър балладани ёдга солади. Асар тўққиз бешликдан иборат бўлиб, ҳар бешлик а-б-а-б-б шаклида қофияланган, юксак пафос билан суғорилган. Эътибор беринг:

LO, upon the carpet, where  
Throned upon a heap of slain  
Blue-eyed dolls of beauty rare  
(Ah, they pleaded all in vain!)  
Sits the Infant Tamerlane!

